

Эртага—Ғалаба кун

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ!

ПЎЛАТ ТАНЛИ ТЎРТ УМР

Иброҳим РАҲИМ.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Улуғ Ватан уруши ноғирони.

Улуғ Ватан уруши ғалабасининг ярим асрдан санаси янгилашиб келмоқда. Эрсевар халқлар бу шонли кунга ээр бериб тайёрланмоқдалар, эртага эса унинг қирқ саккизинчи йилни байрам қиламиз.

Ҳар бир одамнинг ҳаётида ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб воқеа, воқелик юз беради, аммо намдан-намни эсда қолдир-ди, бора-бора унинг тақдирини белгилайди. Жамият тақдирига дахлдор воқеаю воқеликлар ҳам юз берадики, улардан инсон хотираси етилиб, маънавий, виждоний, инсоний мулкка, унут бўлмас мулққа ҳақиқатга айланиб қолади.

Улуғ Ватан урушидаги Ғалабамиз — 1945 йил 9 май ҳам ана шундай унут бўлмас ҳақиқат ва инсон хотирасининг мумқаддас мулки бўлиб қолган.

Бу мулк соғинч Иттифок халқлари, шу жумладан ўзбек халқи жанговар хотирасининг тоғ-қўқниги бўлиб қўрилмоқда. Бу сананинг мустақил Ўзбекистоннинг байрамлари қаторида улуғ байрам сифатида нишонлангани ҳам ана шундан, деб биламиз.

Маълумки, империализмнинг энг реакцион ва зарбдор кучи бўлган гитлерчиларнинг қонхўр фашизми бундан ярим аср аввал айни ёғни пишчилик вақтида Ватанимиз бугундоғларни боё-роғларига кучли ҳарбий машинаси билан бостириб кирди. Ев мақсади аниқ ва ошқора эди. Улар дунёга янақош, абадий ҳукмрон бўлишни, бошқа халқларни малай-қури эттишни ўз оқидларига асли мақсад қилиб қўйган эдилар.

Шу босдан гитлерчиларга қарши бугун халқ оёққа турди. Ўз озодлиги, ҳуқуқи, бахтини кўзлаган аллар фашизм қора ният билан бошлаган урушни биринчи кундан озодлик, адолат урушига айлантириб юбордилар. Халқимиз уни Улуғ Ватан уруши деб номлади.

Фашизм балосига қарши озодлик урушимиз бир минг тўрт юз ўн саккиз кечаю кундуз шиддат билан, дахшат билан давом этди. Унинг ҳар бир дақиқаси уруш иштирокчисини учун бир умрга тенг бўлди ва ҳар дақиқада одам қони тўкилиб турди. Вайронликларни айтмайсизми? Не-не шаҳарларимиз вайрон бўлди, не-не заводларимиз, фабрикаларимиз уруш ўтида ёниб битди. Шу билан бирга Улуғ Ватан урушининг ҳар кунинда, ҳатто айрим дақиқа-сида юзлаб, минглаб жасорат, қаҳрамонлик, баҳодирлик яратилди. Халқимиз фронт орасида ҳам худди фронтда-гидек, фронтчасида жасорат кўрсатди.

Тарихий ғалаба кунига эртага ўн етти минг етти юз инки кун тўлади, яъни қирқ саккиз йил бўлади. Ўша оламшумул, ўша тарихий кун биздан қанча узоқлаша борган сари унинг улғуворлиги, салобати ва қиммати шунчалик ортиб бормоқда. Шу қирқ саккиз йиллик давр ичида ўша улуғ Ғалабамиз ҳақида қўчоқ етмас том-том китоблар, жангоналар босилб чиқди. Ўнлаб, юзлаб кинофильмлар, спектакллар, минглаб тасвирий санъат асарлари яратилди. Олимларнинг илмий-тадқиқотлари, тарихчиларимизнинг ҳарбий монографиялари ундан ҳам кўп. Аммо Ғалабамизнинг улғуворлиги олдида булар ҳали жуда оз! Очиғини айтганда, булар Ғалабамизнинг кишилик жамияти тараққиётига тасйри ҳақида ёзилиши керак бўлган асарларнинг бошланғичи, холос.

Инкичи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари тўғрисида дунё матбуоти ҳам ёзапти. Чет элларда бу ҳақида қат-қат

китоблар чиқяпти, кинофильмлар, театр спектакллари кўрсатиляпти, рассомларнинг кўргазмалари ташкил қилиняпти, аммо улар ҳам бизнинг Ғалабамизига ўз улуғ номи билан атай олганлари йўқ. Чунки унинг оламшумул тарихий воқеа эканини тан олсалар-да, кишилик жамияти тақдирини, ривожини учун бўлган аҳамиятини эътироф этмайляптилар.

...1418 кун дахшатли жанглар борди. Бунда ҳар инки томондан миллионлаб аскар, минг-миглаб танк, самолёт, тўп қатнашди. Улуғ Ватан урушининг ҳар бир кунинда биринчи жаҳон урушида ишлатилган бир йиллик ўқ до-ридан кўпроқ ўқ-дори ва металл сарфланди.

Маълумки Гитлер Германиясида тирик жон борки, ҳаммаси урушга солинди. Фашистларнинг энг сара қўшинлари бизга қарши курашга ташланди ва энг қаттиқ қаршиликка учради. Чунки фашизм янги руҳдаги одам, эрсевар халқлар асарига дуч келди. Озодлик солдани-нинг беиҳёя ватанпарварлиги, мислсиз қаҳрамонлиги авваллари ҳеч бир урушда кўрилмаган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армияга бугун халқ мадад берди. Узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимиз ҳам фронт руҳида яшади, курашди. Шунинг учун биз, фронтчилар ҳам ҳеч нарсага зориқланмиш йўқ. Халқимиз жанговар руҳида бир ёқадан бош чиқариб ҳам фронтда, ҳам ичкарида курашди.

Ўзбек халқининг жамғармаларига сотиб олинган само-лётлар, танклар фронтдаги ғалабага катта ҳисса қўшди.

Мен 5-гвардиячи танкчилар армиясида хизмат қилаётган вақтда ўзбек халқи сотиб олиб юборган танклар колон-насида жанг қилдим. Ҳамма танклар ва қуроллар Ўзе-бекистон 20 йиллигига аталгани эиби қўйилган эди. Бун-ни кўрган фашистларнинг «Азиатен панцер ваген! Азиатен панцер ваген! Вахшилар келяпти!» деб ваҳима билан қочганлари ҳали ҳам ёдимда. Ўша Ўзбекистон танклари-да ўзбек жангчи ва командирлари Берлинга қасб бориб, Рейхстагга Ғалаба байроғи ўрнатишга ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан урушида барча халқлар қатори ўзбек фар-заңдлари ҳам ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек хал-қининг бир миллион етти юзю саксон минг ўғил-қизи жангларда баҳодирлик билан жон олиб, жон берди. Унинг минглаб паҳлавонлари қаҳрамонлик намуналарини кўрс-атиб, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Энг жасо-ратли, алоҳида ботирлик кўрсатган йигитларимизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Улар орасида Кўчкор Турдиев, Боис Эргашев, Муҳид-дин Умрдинов, Мўйдин Ҳасанов, Аҳмадjon Шукуров, Шодмон Умаров, Мамадали Топибадиев, Самин Абдулла-ев, Тўйчи Эркингов каби 27 нафар паҳлавон ўзбек ў-ғлонлари борки, улар билан халқимиз ҳаминша фахрлана-ди, ёшларимиз уларнинг жасоратидан ибрат оладилар.

Урушдан омон-сон қайтган ва ярадор, ноғирон бўлиб келганлар ҳам бошқаларга, айниқса ёшларга ибрат бўли-шмоқдалар. Улар ҳозир юз мингдан ҳам сар ортинқоқина. Аммо улар уч ҳаёт, уч умри кўриб қолди.— Муста-қиллик даврида тўрттинчи ҳаёт кеириб, тўрттинчи умрни кўрмоқдалар. Улар ҳозир ҳам навқиронлар каби муста-қиллигини мустаҳкамлаш ва ўзбек диерини кела-жада буюк давлат қилишга донолик билан ҳисса қў-шмоқдалар. Уларга умрбоқийлик тилаймиз!



ГЕНЕРАЛНИНГ ТУТИНГАН ЎҒЛИ

Ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳақида ҳали биз билмаган маълумотлар талайгина. Хушнуд эсаётган мустақиллик шабадаси ўзбек эзоити ҳақидаги шу пайтгача номатълум бўлган маълумотларнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлаётми. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам генерал билан ҳамбарчас бўлган. У Собир Раҳимов Суҳронқарога келганда Қоратов ва Поминзоитов ён-бағирларида қойлашган, Клиф беклиги-га қарашли Қайнарқорбо қишлоғида бў-либ ўтган. Ўзбекистон генерал ана шу қи-лоқлик Ашур ана исмли мерган билан тасодифан танишиб қолди.

Қишлоқнинг биринчи Собир Раҳимов-нинг кам соғли асарларини муҳолиф-кучлар қуршовага олиди. Командир ў-ғил кўрса, отряд боситидаги ўғил-қизи кунга етиши мумкин. Бу аҳолида узоқ қаршилик кўрсатиб, жон салқаш қийин эди. Шундай ҳолда ёрдамчи кў-члар қачиршиш учун ўғил Ашур ана му-жорат қилди. Ашур ана ундан ол-ган мактубини етти йил ўғил Хуррам-га топшириб, эшакка ўтказиб дарё соҳи-лига йўллайди. Йўлда эҳтиёт бўлишни, бўғинидаги туморни амансизга элтиб бе-ришини қайта-қайта тайинлайди. Бу Ху-ррам Ашуровнинг Собир акадан олган биринчи жанговар топшириғи эди. Етти йиларини разведкачи топшириғини эъло даранада бажарди. Хатни дарё соҳили-да яшайдиган амансизга етказди. Шу жасорат туфайли ўз вақтида ёрдам етиб келиб командирнинг отряди душман қуршовидан омон-эсон қутилиб қолди.

Ғалабага эришган Собир ака Тош-кентга қайтар экан: «Энди сен, Хуррам-жон, менинг тутинган ўғлим бўлдинг. Албатта ўқини. Сендан яхши командир чиқади», — дея башорат қилади. Ана шу тариқа Хуррам аканинг тақдир ҳарбий хизмат билан боғлиқ қолди. У Термиздаги кичик командирлар тайёрлов курсини тамомлаб, ҳарбий комиссарият-да иш бошлади. Шу орада уруш бош-ланди. Қўниллилар қоторида Хуррам ака ҳам жангга отлави. Тасодифан қарағин, жангчи фронтда ўзбек подполковни-гини, бундан 15 йил муқаддам «Ўғлим-сан» деган кишини яна учратди. Аммо қандайдир ноўрин сезиб ўзини унга та-ништирмади. Орадан кўп ўтмай уни ко-мандир йўқлаётганини айтишди.

— Сен ўша Хуррам полковмисан, — деди Собир ака уни илқиб қўтиб олар-кан.

— Худди шундай Собир ака, — дея ота-бола кучоқлаша кетдилар. Уларнинг инкичи учрашуви ана шу тарзда рўй берди. Қадридор алламхалгача суҳ-батлашиб ўтиришди.

Илк жанглардаёқ ўз эчкилигини кўр-сатган Хуррам акани разведкачиликка олишди. Энг қийин операцияларда иш-тирок элди. Ўз доворлиги билан фа-шистларни шошириб, хангу-манг қилиб қўйди. Жангдаги қаҳрамонликлари ту-файли уни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлашди. Қунардан берида Ху-ррам Ашуров ёш штаби соқилларини йўқ қилиб, ертўлага кирганида 14 нафар душман бор эди. Ҳаммасининг қўлида ку-рол, тўрда унга тўппачасини қаратиб гитлерчи генерал турарди. У генералга автоматини тўригаб таслим бўлишга даъват элди. Генерал миқ эъмай, ку-ролни ташлаб таслим бўлди. Хуррам ака уларни асир олиб штабга борди. У ана шундай бешафқат уруш йилларининг ҳар дақиқасида анал билан олишди. Бахтин тасодиф туфайли омон қолди. Афсуски, шиддатли жанглардан берида тутинган отаси — генерал Собир Раҳи-мовдан ажралди. Халок бўлган дўстлари, тутинган отаси учун юзлаб босқинчи га-заңдаларни ер тишлади, 250 га яқин душманни асирга туширди.

Ана шу тариқа Москвада ўтазилган тарихий парадда қатнашиб, Термизга қайтиб келди. Кейин узоқ йиллар Тер-миз шаҳрида жиноят қилдиру бўлимида ишлади. Халқ ва давлат мулкни ўғри ва қаллоблардан ҳимоя қилди. Муста-қилликка эришган қунаримизда бундай кишиларнинг ҳаёти ёшлар учун ибрат-лидир.

Аҳоли хизмати эвазига қатор медал-лар ва бошқа мукофотлар билан муно-сиб тақдирланган Хуррам аканинг брон-задан асалган бостлари Москва ва Тош-кент шаҳарларидаги музейларга ўрна-тилган. Яқинда у 70 баҳорини қарши-лади. Ҳали ҳам эл хизматига қамарбаста.

— Собир Раҳимов қўлимида жон бер-гандилар, — дейди Хуррам Ашуров. — У дунёдан кўз юмайтиб, ўз ҳужжатлари-ни менга қолдирди ва: «Булари эҳтиёт қилиб юртимга етказ, ўғлим. Сенга на-батдаги жанговар топшириқ шу», — дея жон берди.

Насибамиз бор экан, ўтмай омон қол-ди. Бугун она юртимиз мустақил. Бун-дан ортиқ бахт борми? Яратганга минг шукр, ажойиб фарзаңларини тарбия-лаб воғла етказаймиз. Биз ўта дахшат-ли кунарли кўрдик, влоҳим, ёшлар эн-ди сира уруш азобларини кўришмасин...

МОМОЛАР, БОБОЛАР ШУКРОНАСИ

Фашизм ўстидан ко-зонилган Ғалабамиз 48 йиллик арафасида му-ҳбиримиз Наманган вило-йи уруш ва меҳнат фах-рийлари кенгашининг ра-иси, истеъфодаги пол-ковник, Шўҳрат орде-ларининг тўла кавалери Ға-ли Валиев билан суҳбат-лашди.

— Кекасалари, болалари ва оналарини сийлаган юртинг келажакги порлоқдир. Хо-зири бозор иқтисодиёти ки-шинчиларни дарвеш ҳу-куматимиз тутаетган сибсат ҳам уларга раҳмқўрликлар қилинган иборат бўлмоқда. Республикадаги инқилобий муҳофазатга муҳтож ҳар бир хонадонга моддий ёрдам кўр-сатилаяпти.

Президентимиз Ғалаба байрами олдидан уруш ва меҳнат фахрийларини мод-дий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлаш учун махсус фармон қабул қилди. Бу тадбирлар тўғри қилиб борилаётган иқ-тисодий сибсат натижасидир. Вилоятимизда 150,000 яқин фахрийлар бор. Улардан 8 минг 890 нафари Ватан уру-ши қатнашчиси, 1673 нафа-ри I гуруҳга, 3156 нафари II гуруҳга, 57 нафари эса III гуруҳга мансуб. Фар-заңда ҳарбийда халок бўлган оилада сони 3471 та бўл-са, байналмилалчи жангчи-лар 75 нафар. Фахрийлар кенгаши Наврўз кунлари вилоят бўйича 70 нафар кекасалар — Ото тумани-дан Усмонов Одилов, Васи-лий Кузнецов, Отабой Тош-пўлатов, Наманган шаҳри-дан Мунир Шоҳмардонов, Камол Муродов ва бошқа-ларга пул совғаси иғфом элди. Заларё туманида уруш ва меҳнат фахрийларига эътибор орталти.

Оқсоқоллар ташаббуси бил-ан 25 гектарлик бор, туман фахрийлари кенгаши қошда кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ фах-рийлар кенгаши расилари ҳам маош билан таъминлан-ди. Булар Заларё туман уруш ва меҳнат фахрий-лари кенгаши раиси Собиржон Бадаловнинг хизмати нати-жа. Вилоятнинг Уйчи, Норин ва Янгиқўрғон туманларида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

А. ҚОРАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

ТИНЧЛИК КАТТА БАХТ

Улуғ Ватан уруши даврида фидойилик кўрсатиб, юрт му-дофасини таъмин этган жанг-чиларимиз республикада кўп. Ҳузор туманидаги Майна Ҳасе-нова номли ширкат ҳўжалигида меҳнат қилиб келаятган II гу-руҳ ноғирони Эргаш бобо ҳам ана шундайлардан бири. Э. Абдурахимов 1907 йилда Кўн-гирот қишлоғида дехқон оила-сида таваллуд топган. У ота-сидан бугдой ва пахтадан мўл ҳосил олиш сирларини ўрган-ди. Энди ўзи мустақил ишлаш бошлаганида уруш бошланб кетди. У душманга қарши ку-рашга отланди. Ивановодан Кенгсберг остонасигача бўл-ган жангларда аввалгача отлик аскарлар, сўнгра танклар сар-фида хизмат қилди. Уч мар-та оғир яранди. Сўнгра юр-тига қайтиб келди. Эргаш бобо жангларда кўрсатган қаҳра-монлиги учун жанговар Қизил Байроқ ордени ва бир қанча медаллар билан тақдирланди.



Улуғ Ватан уруши ноғирони Эсарбой Шомуродов Сахнободдин Ободон қи-логида истиқомат қилади. Маҳалла аҳли номини ҳурмат билан тилга оладиган бу отахон ҳали бардам, бақувват, ҳўжалик ишларига яқиндан ёрдам бериб туради. СУРАТДА: Эсарбой Шомуродов фар-заңлари даврасида. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Азизим Ҳабиб Саъдулло! Ён етти ёшида фронтга ке-тиб қайтиб келмаган. Онам унинг оқида қуйиб ўтиб кет-дилар, опам, сингилларим ҳамон келармикин, дегандек эшакка кўз тинамиз.

Бундан бир неча йиллар аввал ундан бирон дарак топиш ниятида излаб кўрдим. Эмаган жойим қолмади, ҳар кимса бирон аниқ жаовоб айт олмади, шунда йўлга отландим. Ўзга юртларда ю-либ кетган мусофир қадр-ларни кўриб, юракдан қон йиғладим.

Болтининг бир томчиси деб аталган Литвининг пой-тахти Вильносо шаҳрида уруш шаҳидларига ўрнатилган ёд-роқлик пойида мангу ала-ғига ёниб турди. Шу ерда Аҳмедов А. В., Арслонов С. Б., Мамаатов С., Пўлдошев П. ёзуварига кўзим туш-ди. Балки ўзбек фарзаңди-ри бўлса керак, деб йўлаб уруш асорати уйингизни тарк этмаган.

Менинг акам — Сизнинг отдошингиз Ҳабибулло ҳам

БУ КУНЛАР ҚАДРИ

Азиз халқим, мардоневор Шу кунга етказгани Аллоҳга кўролдоғларим. Мана, 48 йилдирки, ҳар йили 9 Май кунини — дунё халқига ўлим хавфини солган фашизм усти-дан ғалаба қилган кунимизни байрам сифатида нишонлаб келамиз.

Душманни енгишда эсосий куч бўлган, бутун дунё халқи-га тинчликни ато қилган фах-рийлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Чунки тақдир ўз ҳўжалигидан Орифқўжа Хо-ндумини ўтказаяпти. Узим ҳам хўжаев, Дўлга Каримов, Рах-77 йшдам. Олти нафар фар-заңдим ва набираларим бор. там Алимов, Маҳкамжон Ман-

суровлар, «Гулзор обода» кол-хозидан Сафар Алиев, Мама-карим Марасулхонов, «Ок олтин» колхозидан Нормат Раёбов, Оржоникидзе номли колхоз-дан Аҳмад Азимов, Маҳмуд Азимов; «Бирлик коммуна» колхозидан Керим Ҳудойбер-диев, Йўлдош Ҳасанов ва бошқалар борлигини ўйлайман. Бу йигитлар биринчи бўлиб Ватан мудофасига жўнаган эдилар.

Ҳеч ким, ҳеч қачон унутил-майди. Улуғ Ватан урушида биргина бизнинг Чиноз шаҳри-дан 180 киши кетган бўлса, шундан 97 кишини ўз она-юртига қайтиб келди.

Биз бугун Ғалаба кунини байрам қилармикин, шу кун-га етиб келган азиз биродар-ларимизни, фронт ордасида туриб кеча-кундуз тинмай хизмат қилган, фронтни озик-овкат, қийин-кечак, ўқ-дор билан таъминлаганларини чин юракдан табриқлаймиз.

Шу кунга етиб келмаган, ўзга юртларда шаҳид бўлиб, жасади номатълум ерларда қо-либ кетган азиз фарзаңла-римизни, ота, ака-уларимизни қайта-қайта эслаб, улар-нинг руҳ-хотирасини дилчимиз-да, тилимизда эзозлаймиз.

Турсунпай ПИРМАТОВ,
уруш ноғирони.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.
Рўзнома таҳрир хўжати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ [бош муҳар-рир ўринбосари], С. САЙДАЛЛОВ [бош муҳаррир ўринбоса-ри], О. ГОФУРОВ [масъул котиб], Н. ОРНФЖОНОВ, К. РИХ-СИНЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, «Ўз-қилоовошчи» концерни, Ўзе-бекистон Республикаси Адлия вазирилик, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жа-моаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КўЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари— 32-56-25. Дехқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш сановати бўлими—32-56-31. Иқтисодий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиш бўлими — 32-56-33. Меданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маълумий орталари бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бешати бўлими — 32-58-79.